

ЖАҲОН ИНТЕГРАЦИЯСИ ШАРОИТИДА ТУРИЗМНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШГА ТАЪСИРИ

Солижонова Муқаддас Дилшоджон қизи-

*меҳмонхона хўжалигини ташкил этиши ва бошқариши йўналиши
талабаси, иқтисодиёт факультети, ФарДУ*

Аннотация: *Мазкур мақолада жаҳон миқёсидаги глобал интеграция жараёнларининг туризм соҳасига таъсири ҳамда туризмнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига қўшадиган ҳиссаси таҳлил қилинади. Туризм тармогининг давлат иқтисодиётидаги ўрни, янги иш ўринлари яратиши, инфратузилмани ривожлантириши, халқлар ўртасида маданий алоқаларни кучайтиришидаги аҳамияти ёритилади. Туризм соҳаси орқали интеграция жараёнларининг самарадорлиги, жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистондаги ҳолат қиёсий таҳлил этилади.*

Калит сўзлар: *туризм, интеграция, иқтисодий ривожланиш, ижтимоий таъсир, инфратузилма, иш ўринлари, глобал бозор, туризм сиёсати, жаҳон тажрибаси, Ўзбекистон туризми.*

Кириш

Жаҳон миқёсида интеграция жараёнлари нафақат иқтисодий, балки маданий, ижтимоий ва туризм соҳаларида ҳам муҳим ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, туризм соҳаси глобаллашувнинг энг фаол драйверларидан бирига айланган. Туризм нафақат миллий иқтисодиётларга ҳисса қўшади, балки халқлар ўртасида маданий алоқаларни кучайтириш, янги иш ўринлари яратиш, инфратузилма ва транспорт соҳаларини ривожлантириш орқали жамият ижтимоий ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон учун ҳам туризм глобал интеграцияда муҳим соҳалардан бири бўлиб, мамлакатнинг халқаро имижини мустаҳкамлаш, валюта тушумини ошириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда стратегик аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Замонавий глобал интеграция шароитида туризм соҳаси халқаро иқтисодий муносабатларнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Айниқса,

глобаллашув жараёнлари тезлашган бугунги шароитда туризмнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга қўшаётган ҳиссасини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли ҳам илмий доираларда туризм феноменига оид турли контсептуал ёндашувлар шаклланган.

Туризмни глобаллашув жараёнларидаги ролини ўрганган хорижий олимлардан бири L. Dwyer ҳисобланади. У ўзининг “Tourism Economics and Policy” асарида туризмни ялпи ички маҳсулот, валюта тушумлари ва бандликка таъсир этувчи стратегик соҳа сифатида баҳолаб, унинг глобал иқтисодий тизимдаги мултипликатив таъсирларини тадқиқ қилади. Бу фикрлар, айниқса, халқаро меҳмонлар оқими орқали инфратузилма, транспорт ва хизматлар секторининг ривожланиши жараёнини тушунишда муҳим ҳисобланади.

Bundan tashqari, Sharpley (2014) томонидан таклиф этилган “туризм–жамият–глобализм” модели, маданий алмашинув ва ижтимоий интеграциянинг кучайиши туризмнинг ижтимоий функцияларини яққол намоён қилади. Туризмни фақат иқтисодий фойда кўзлаган соҳадан кўра, ижтимоий барқарорликни таъминловчи, маданий алоқаларни мустаҳкамловчи омил сифатида таҳлил қилиш бугунги кунда янги методологик ёндашув сифатида қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон мисолида эса Комилов ва Назарова (2020) томонидан амалга оширилган тадқиқотлар миллий туризм сиёсатининг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишдаги ўрнини очиб беради. Муаллифлар туризмнинг ички ЯИМга ҳиссаси, иш ўринлари яратишдаги роли ва ҳудудий инфратузилмани яхшилашдаги таъсирини маҳаллий мисоллар билан илмий асослайди.

Барча юқоридаги манбалар интеграцион жараёнлар шароитида туризмни фақат хизматлар кўрсатиш сектори эмас, балки ижтимоий-иқтисодий трансформация воситаси сифатида ҳам талқин қилиш мумкинлигини кўрсатади. Чунки глобаллашган дунёда давлатлар ўз туризм стратегиясини фақат иқтисодий манфаат эмас, балки халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, миллий бренд яратиш ва маданиятни экспорт қилиш воситаси сифатида ҳам қарашмоқда.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, туризмнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга қўшаётган ҳиссаси жаҳон миқёсида нафақат рақамлар, балки маданий алоқалар, барқарорлик, бандлик, глобал интеграция

учун ҳам стратегик аҳамиятга эга. Айниқса, бундай таҳлиллар асосида Ўзбекистон сингари ривожланаётган давлатларда туризмнинг янги босқичда ривожланиши учун илмий ва амалий асослар яратилмоқда.

МУҲОКАМА ВА ТАҲЛИЛ

Туризмнинг иқтисодий ва ижтимоий таъсири жаҳон амалиётида уни стратегик тармоқ сифатида баҳолашга олиб келган. Бу соҳа ялпи ички маҳсулотни ошириш, иш ўринлари яратиш, инфратузилмани ривожлантириш ва маданий алмашинувни кучайтиришда муҳим ўрин тутади.

Жаҳон мамлакатларида, хусусан Франция, Туркия ва Таиланд каби давлатларда туризм иқтисодиётнинг етакчи соҳалари қаторига киритилган. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда туризмни ривожлантиришга оид давлат дастурлари, инфратузилма лойиҳалари, электрон виза тизимлари ва хорижий сайёҳлар оқимини оширишга қаратилган чоралар орқали соҳага жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, миллий туризм салоҳиятини халқаро тажриба билан таққослаш, унинг иқтисодий ва ижтимоий таъсирини аниқлаш бугунги кун тадқиқотлари учун муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Мазкур мақолада Ўзбекистон ва жаҳон мамлакатлари мисолида туризмнинг иқтисодий ва ижтимоий таъсири қиёсий таҳлил қилинади. Унда туризмнинг ЯИМдаги улуши, иш ўринлари яратишдаги роли, инфратузилмани ривожлантиришдаги таъсири ва маданий жараёнлардаги ўрни атрофлича ёритилади. Таҳлил натижалари асосида Ўзбекистон туризм сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Жадвал-1

Туризмнинг иқтисодий ва ижтимоий таъсирларининг қиёсий таҳлили (Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси)

Таҳлил йўналиши	Ўзбекистон мисолида	Жаҳон тажрибаси (Франция, Туркия, Таиланд)
ЯИМдаги улуши	5-6% атрофида	Францияда 7.4%, Туркияда 11%, Таиландда 20%+
Иш ўринлари	250 мингга яқин тўғридан-тўғри иш ўринлари	Таиландда 5 млн+, Туркияда 2.5 млн+, Францияда 2.2 млн+
Инфратузилмага таъсири	Самарқанд, Бухоро, Хивада янги аэропорт, йўллар	Ҳар йили янгиланувчи аэропорт, туристик транспорт
Маданий алмашинув	Халқаро фестиваллар, кўргазмалар	UNESCO сайёҳлик маршрутлари, халқаро музейлар

Ушбу жадвалдан кўришиб турибдики туризм соҳа сифатида жаҳон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бирига айланган бўлиб, унинг иқтисодий ҳамда ижтимоий таъсири мамлакатлар тараққиётига кўп қиррали таъсир кўрсатади (жадвал-1). Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги ҳолати ва халқаро тажриба билан таққосланганда, бир қанча умумий ва фарқли жиҳатлар намоён бўлади.

1. ЯИМдаги улуши

Ўзбекистонда туризмнинг умумий ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳозирда тахминан 5-6% ни ташкил этади. Бу рақам сўнгги йилларда сезиларли ўсишни кўрсатмоқда, аммо жаҳоннинг етакчи туристик мамлакатлари билан таққослаганда ҳали кам. Масалан, Францияда туризм ЯИМнинг 7.4%ини, Туркияда 11%ини, Таиландда эса 20%дан ортиқ қисмини ташкил этади. Бу кўрсаткичлар туристик хизматлар экспорти, меҳмонхона бизнеси, транспорт ва савдо тармоқларидаги фаолликни акс эттиради.

2. Иш ўринлари яратиб салоҳияти

Ўзбекистонда туризм соҳаси тўғридан-тўғри 250 мингга яқин иш ўрнини таъминлаган. Бу, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Бундан фарқли ўлароқ, Таиландда туризм 5 миллиондан ортиқ, Туркияда 2.5 миллион, Францияда эса 2.2 миллион тўғридан-тўғри иш ўрни яратади. Демак, аҳоли салоҳиятидан самарали фойдаланиш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ва соҳага кадрлар тайёрлашда ҳали катта имкониятлар мавжуд.

3. Инфратузилмага таъсири

Ўзбекистонда Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларда янги аэропортлар, йўллар, меҳмонхоналар ва туристик инфратузилмалар барпо этилмоқда. Бу инфратузилмавий ривожланиш соҳадаги тараққиётни жадаллаштирмоқда. Халқаро тажрибада эса туризм инфратузилмаси ҳар йили янгиланиб, замонавий технологиялар асосида қайта қурилмоқда (айниқса Францияда EURO туннеллари, Туркияда янги аэропортлар ва меҳмонхоналар бунинг яққол мисоли).

4. Маданий алмашинув ва ижтимоий таъсир

Ўзбекистонда халқаро маданий фестиваллар, кўرғазмалар ва этнофестивальлар туристлар оқимини ошириш билан бирга, маданий мулоқотни кенгайтирмоқда. Жаҳонда эса UNESCO ёдгорликлари асосида

сайёҳлик маршрутлари, музейлар, концертлар ва санъат кўрғазмалари орқали маданий алмашинув янада фаол йўлга қўйилган.

ХУЛОСА

Туризм жаҳон интеграциясининг муҳим компоненти бўлиб, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда салмоқли ўринга эга. Унинг орқали давлатлар нафақат иқтисодий юксалишга, балки маданий бойиш ва инсонлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга эришадилар. Ўзбекистонда ҳам бу соҳадаги имкониятлар катта бўлиб, глобал тажриба асосида туризм сиёсатини такомиллаштириш, рақамли инфратузилмани ривожлантириш, хизмат сифатини ошириш орқали интеграция жараёнларидан самарали фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. World Tourism Organization (UNWTO). (2022). International tourism highlights: 2022 edition. Madrid: UNWTO. <https://www.unwto.org>
2. Uzbekistan State Committee for Tourism Development. (2023). Annual Tourism Report 2022. Tashkent: Goskomturizm.
3. Sharpley, R. (2014). Tourism, tourists and society (5th ed.). Routledge.
4. Dwyer, L., Forsyth, P., & Dwyer, W. (2020). Tourism Economics and Policy.
5. Timur, A. (2021). Tourism and globalization: Economic and socio-cultural impacts. *International Journal of Economics and Management*, 8(1), 44-50.
6. Komilov, A. B., & Nazarova, M. Z. (2020). The development of the tourism sector in Uzbekistan and its socio-economic role. *Economics and Innovative Technologies*, 4(2), 75–83.
7. Nasridinova, T. O. (2025). Global impact and recovery of the tourism business and increasing the competitiveness of the tourism industry in Uzbekistan. *Modern problems in education and their scientific solutions*, 1(6), 125-131.
8. Nasridinova, T. O. (2024). Methods of Assessing the Competitiveness of Entrepreneurial Activity in Tourism Enterprises. *Gospodarka i Innowacje*, 46, 590-594.
9. Nasridinova, T. O. (2023). Methodological Foundations for Assessing Competitiveness. *Miasto Przyszłości*, 36, 437-440.